

# ТОМАС МАЙН РИД АСАРЛАРИДА ДАВР РУҲИНИ АКС ЭТТИРУВЧИ СЎЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

*Ўринов Мансур Толибжонович*

*АДУ, магистранти*

**Аннотация:** Мақолада инглиз тилидаги бадий асарларда давр руҳи ва миллий ўзига хосликни ифода қилувчи сўзлар таҳлили амалга оширилган бўлиб, асосий эътибор уларнинг мантдаги концептуал-семантик, функционал-экспрессив жиҳатлари қиёсий ўрганиб чиқилган.

**Калим сўзлар:** миллий колорит, тарихий манзара, тарихий реалия, архаик сўзлар функцияси, эквивалентсиз историзмлар, реалия, хронотроп, тил бирликлари функционал-экспрессив жиҳатлари.

**Abstract:** The article researches the analysis of the words expressing the historical period and national identities within English fictional texts, where we focused our attention to investigate their conceptual-semantic and functional-expressive features in comparison.

**Keywords:** national identities, historical data, historic realias, function of archaic words, historic words with no equivalent, realia, chronotrop, functional-expressive features of language units.

**Аннотация:** В статье исследуется анализ слов, выражающих исторический период и национальную идентичность в английских художественных текстах, где мы сосредоточили свое внимание на сопоставлении их концептуально-семантических и функционально-выразительных свойств.

**Ключевые слова:** национальные идентичности, исторические данные, исторические реалии, функция архаических слов, исторические слова без эквивалента, реалии, хронотроп, функционально-выразительные особенности языковых единиц.

Бадиий мант ўз мазмунида эмоционал-экспрессив таъсирга йўналтирилган воқеа тасвирини акс эттириш билан бир қаторда ўзига хос бадиий воқеликни ҳам акс эттиради. Бу жиҳат Европа адабиётшунослигида кенг ўрганилган мавзулардан бири бўлиб, жумладан инлиз адабиётида алоҳида атама “сетинг(Setting)” номинациясига ҳам эга. Бироқ ўзбек адабиётида бу соҳа этардли даражада тадбиқ қилинмаган бўлиб, мавжуд тадқиқотларда ҳам бу жиҳат эпизодик характер касб этади. Замонавий тилшуносдикда бадиий борлиқнинг ифодалари ва структурасини тадбиқ қилишга қаратилган бир қанча ёндашувлар мавжуд. Бунинг асосий сабаларидан бири бу – бадиий борлиқнинг алоҳида категория сифатида жуда кенг қамровлилигидир. Бир томондан бу тушунча асар воқелари содир бўлган маконни ифода қилиб, адабиётдаги эстетик тафаккурнинг ўзига хос алоҳида тури ҳисобланиб, сабаб ва оқибат муносабатлари билан боғлиқ воқеалардан ташкил топади. (1. 46-б) Иккинчи томондан бадиий борлиқ тушунчаси структур муносабатларни акс эттирувчи воситаларнинг барчасини қамраб олади. Бу ёндашув С.Ю.Нехлюдова, Ю.М.Лотман тадқиқотларида ёритиб берилган бўлиб, бир пайтни ўзида ҳам макон ҳам замон муносабатларини бирдек акс эттиради. Ҳудди шундай фикрни М.М.Бахтин тадқиқотларида ҳам “хронотроп” категорияси сифатида талқин қилинганини кузатишимиз мумкин. Бадиий мантларда бадиий борлиқни тўлақонли акс эттириш мақсадида аксарият ҳолларда бадиий мант мазмунидаги лексик-грамматик воситалар адабий тил нормаларидан фарқ қилувчи шаклларда қўлланилиши кузатилади. Бадиий нутқ миллий тил базасида воқеланади. Ёзувчи миллий тилдан фойдаланар экан, умумодатланилган нормадан оғади (яъни тил унсурларини одатдагидан ўзга шакл, маъно, тартиб, муносабат ва ш.к.ларда қўллайди) ва бу «оғиш»дан маълум бадиий-эстетик мақсадни кўзлайди (2: 67-б). Бу хил оғишлар тилнинг турли сатҳларида – фонетик, морфологик, лексик, семантик, синтактик сатҳларда кузатилиши мумкин. Жумладан, лексик сатҳдаги нормадан оғиш ёзувчининг миллий тил базасидаги лексик воситалардан фойдаланишида кўринади. Миллий тил

“заҳираси”даги сўзлар қўлланиш фаоллиги жиҳатидан ҳам, тасвир ва ифода имкониятларига кўра ҳам бир-биридан фарқланади. Яъни бу ўринда гап тилдаги сўзларга табиий равишда хос бўлган услубий-экспрессив хусусиятлар ҳақида бормокдаки, улар ижодкорга «сўз танлаш» ҳисобигагина ифодавийлик ва тасвирийликни кучайтириш имконини беради. Сўздаги мазкур хусусиятлар уни ноодатий лисоний муҳитга олиб кирганда, бошқача айтсак, сўз қўллашда одатий «нормадан оғилганда» намоён бўлади.

Бадиий матннинг лингвистик таҳлили тилшунослик назариясида қадим замонлардан буён асосий соҳалардан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этиб келаётган бўлсада, ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бу давр давомида унинг тадқиқ объекти анъанавий бўлиб қолаётган бўлишига қарамай, соҳанинг номланиши турли даврларда ўзига хос ўзгаришларга учради. Жумладан, илк даврларда у “Риторика” атамаси билан номланган бўлса, кейинчалик бадиий дискурс, матншунослик, корпорал лингвистика, герменевтика каби номлар билан тилга олинган. Қандай номланганлига ва йўналишидан қатъий назар бадиий матн таҳлилида лексик бирликлар асосий материал бўлиб хизмат қилган. Ушбу тадқиқотимизда ҳам айнан бадиий матнларда лисоний воситаларнинг тарихий манзара яратиш ва диахроник хусусиятларни қай тарзда акс эттиришини таҳлил оситга оламиз. Таҳлил материали сифатида атоқли инлиз ёзувчиси Томас Майн Риднинг асарлари танлаб олинган бўлиб, улардаги тарихийлик категорияси асосан икки жиҳати билан алоҳида аҳамият касб этади. Биринчидан Майн Рид асарлари яратилиши ҳам бевосита 18 асрга тааллуқли бўлганлигидан, яратилган даврининг ўзига хос лексик-грамматик жиҳатларини ўзида акс эттиради. Бошқа томондан асар сюжетидаги воқеалар ҳам нисбатан илгарироқ содир бўлган воқеаларни тасвирлаганлиги боис, тарихийликни реалроқ кўрсатиб бериш мақсадади айнан шу дарвга хос лексик-грамматик хусусиятлар қўлланилишини таъқазо этади. Таҳлил остидаги М.Рид асарлари бу икки жиҳатни ҳам бирдек акс эттира олади. Қолаверса, бадиий асар тилинидаги дарга оид лексик-грамматик бирликлар таҳлили ўша даврдаги халқнинг маданияти, анъаналари, тарихи ҳақида қимматли маълумотлар бера

олади. Бу борада лексик бирликларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Кўп ҳолларда асар руҳини акс эттирувчи лексик воситалар “реалия”лар сифатида талқи қилинади. Жумладан В.С. Виноградов, Э. Медникова каби айрим олимлар тадқиқотларида бу бирликлар айнан мана шундай талқин қилинган (3. 85-б). Бироқ бундай сўзларни семантик компонентлари ва функционал-экспрессив хусусиятларини чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, бу сўзлар реалия сифатида эмас, тарихий даврни тўлақонли акс эттириш мақсадида қўлланганлини кўрамиз. Масалан М.Риднинг асаридан олинган қуйидаги парчада бу ҳолат яққол сезилади.

*In fear of this, most of the women were to be seen mounting into the rude carretas, scores of which were upon the ground, having carried their owners to the spectacle. Of course the señoras and señoritas on the raised benches felt secure.*  
**(M.Reid. The White Chief. P-2)**

Ана шундан қўрққан кўплаб хотин-халаж араваларга чиқиб олишган, кўпчилик буёққа уловда келгани боисидан ҳам аравалар талайгина эди. Амфитеатрсимон ортга қараб аста баландлаб борадиган ўриндиқларга жойлашган сеньору сеньориталарга келганда эса, улар ўзларини бежавотир сезишаётганди, албатта. **(М.Рид. Оқ танли сардор. 3-б)**

Мисолдаги “*carretas, señoras, señoritas*” каби сўзлар реалия эмас айнан давр руҳини акс эттириш учун қўлланилган. Воҳаланки, асар сюжетидаги воқеалар 18 асрга тегишли бўлиши билан бир қаторда Мексика чугараларида штатларда содир бўлганиги боис, персонажлар нутқи, нарратив тасвир жараёнида тарихийликка мос келиши учун мексиканча ёки испанча сўзлардан ҳам кенг фойдаланилган. Чунончи, бу даврда сўзлашув нутқи айнан мана шундай сўзларнинг кенш қўлланилганлиги билан характерланади.

Сўз қўллашдаги нормадан оғишда аниқ бадиий-эстетик мақсад кўзда тутилиши, яъни бунда атайинлик моменти устуворлигини таъкидлаш зарурки, айти шу жиҳати уни шунчаки «хато»дан фарқлайди. Сўз қўллашдаги норма-дан оғишларда кузатиловчи бадиий-эстетик мақсадлар қуйидагича умумлаштирилиши мумкин: 1) давр руҳини акс эттириш; 2) жой колоритини

бериш; 3) персонаж нутқини индивидуаллаштириш; 4) тасвир предметига муносабатни ифодалаш.

Тарихий мавзудаги асарларда тасвирланаётган давр руҳи (колорити)ни акс эттириш мақсадида эскирган сўзлар – архаизм ва историзмлардан фойдаланилади. Луғатда таркибидаги эскирган сўзлар кундалик мулоқотда қўлланмайди, уларнинг кўплари ўқувчи омманинг катта қисмига тушунарсиз экани, изоҳ талаб қилиши ҳам маълум. Бироқ тарихий мавзудаги асарларда уларнинг қўлланиши заруратга айланади. Зеро, уларнинг иштирокисиз давр ҳаётини, унда юз берган воқеаларни акс эттиришнинг имкони йўқ.

Дейлик, ўз асарида ўн саккизинчи аср воқелигини тасвирлаётган ижодкор, табиийки, ўша даврга хос реалияларни тасвирлаши лозим. Буни эса ўша даврга хос бўлган нарса-буюмлар, ходисалар, тушунчаларни ифодаловчи сўзларсиз амалга оширишнинг имкони йўқ. Худди шундай ҳолатларни атоқли инглиз ёзувчиси Томас Майн Рид асарларида кузатишимиз мумкин.

*Мусобақалашувчи рақиблар аллақачон бир қаторга тизилиб, саф тортишганди. Биринчи қур пойгада ўн икки киши – энг олди чавандоз ёки ўзларини шундай деб ҳисоблайдиган турли табақаларю тоифадан чиққан ўспиринлар қатнашиши керак. Антиқа либосдаги чорвадорлар дейсизми, ҳеч кимдан тап тортмайдиган мол ҳайдовчилар дейсизми, тоғдан тушиб келган маъдан қазувчилару шаҳарликлар дейсизми, водийлик ер эгаларию, чорвадор фермалардан келган молбоқарлар дейсизми, бошпанаси бепоён дашт бўлмиш бизон овчилари дейсизми – барининг намоёндаси бор эди. От ўйнатиш, чавандозлик санъати бобида ҳеч ким ўзлари билан тенглаша олмаслигини исбот қилиш майлу иштиёқда тоқатсизланаётган бир неча улан ҳам бор эди бу сафда. (М.Рид. Оқ танли сардор. 8-б)*

*The competitors were now drawn up in a line. There were a dozen detailed for this first race,—young men of all classes, who were, or fancied themselves, “crack” riders. There were rancheros in their picturesque attire, smart arrieros, miners from the hills, townsmen, hacendados of the valley, vaqueros from the grazing-farms, and ciboleros, whose home is for the most part on the wide prairies. Several dragoons,*

too, were arrayed with the rest, eager to prove their superiority in the *manège* of the horse. (M.Reid. The White Chief. P-6)

Ушбу контекстдаги “rancheros(чорвадорлар), arrieros(маъдан қазувчилар), hacendados(ер эгалари), vaqueros, ciboleros(бизон овчилар), dragoons (уланлар), manège(от ўйнатиш)” каби сўзлар ўзлашган сўзлар тарзида қўлланилиши бевосита асар тарихий даврига мос келадиган шаклда қўлланилган.

Бадий мантлардаги тарихий даврни ифода қилувчи сўзлар структурал-семантик хусусиятларига кўра асосан 3 гуруҳга:

1) Жуғрофий соҳага оид сўзлар: географик номлар, табиат ҳодисалари, инсон фаолияти билан боғлиқ географик объектлар ва эндемик турдаги флора ва фауна ифодаловчи сўзлар

2) этнографик сўзлар: уй-рўзғор анжомлари(овқат, ичимликлар, кийим-бош, мебел, идиш-товоклар, транспорт) каби предметларнинг номлари, миллий маданият (музыка, рақс, музыка асбоблари, байрамлар, санъат намоёндалари, анъаналар ва маросимлар, уларнинг иштирокчилари), этник объектлар (этнонимлар, лақаб ва номлар), ўлчов бирликлари ва пул каби тушунчаларни ифода қилувчи сўзлар.

3) ижтимоий-сиёсий соҳага оид сўзлар: ҳудудий бўлиниш, ҳукумат органлар, ижтимоий ҳаракатлар ва ташкилотлар, ҳарбий атамалар(бўлинма, курол-аслаҳа, кийим-кечак) номлари каби сўзларга ажратилади. Кўп ҳолларда бадий асар мазмунида тилга олинган юқоридаги каби тушунчалар ҳозирга кунларда умуман ишлатилмаслиги, ёъинки улар бошқа сўзлар билан атилиши мумкин. Тасвирланган жараённинг амалга ошишига хизмат қилган ёзув

асбоблари ҳам, ёзув ашёлари ҳам ҳозир истеъмолда эмас, уларни ифодаловчи сўзларни эса ўқувчиларнинг каттагина қисмига изоҳсиз тушунарли эмас. Шунга қарамай, муаллифнинг қай тарзда ёзганини ўша сўзларсиз тарихий жиҳатдан ҳаққоний тасвирлаб бўлмайди.

Тарихий сўзлар персонажларнинг ташқи кўринишига оид муҳим деталлар, хусусан, энгил-бошини тасвирлашда ҳам ғоят муҳим.

*Like all negroes born in the “Old Dominion,” he was proud of his nativity. In caste, a “Vaginny nigger” takes precedence of allothers. (M.Reid. **Headless Horseman. P-3**)*

*“Эски колониялар”да туғилган ҳамма қуллар каби у ҳам ўз туғилган жойи билан мақтанишни ёқтирар эди. Ўз навбатида, бизнинг қулларимиз орасида ҳам “виргиниялик”лар алоҳида ҳурматга эга эдилар. (М.Рид. **Бошсиз чавандоз. 4-б**)*

Мисолдаги “Old Dominion(эски колония)” сўзи ҳозирги кунда архаик сўза айланган бўлиб, унинг мазмунида акс эттирилган концептуал ифодалар замонавий кишилар учун деярли тушунарсиз ҳолга келган. Бироқ асар воқеалари тасвирланаётган 18 асрда дастлаб босиб олинган жойларда, “фронтир”ларга кенгайиштирилган жойларга нисбатан Европа маданияти узоқроқ тадбиқ этилганлиги боис, у ерда туғилган қуллар анчайиб “европалашган” ҳисобланарди. Худди шундай ҳолатни “Vaginny nigger” бирикмаси мазмунида ҳам кузатишимиз мумкин. Ибора асл моҳиятига кўра вулгар сўз ҳисобланиб, қулнинг онаси қора танли аммо отаси европалик эканлигини англатарди. Иборанинг калкалаштирилган таржимаси “негр онадан туғилган оқ танли отанинг фарзанди” маъносини беради. Худди шу каби тарихий рўзғор буюмларини ифода қилувчи архаик сўзлар асар тарихий даврини реал акс эттиришини бошқа эпизодларда ҳам кузатишимиз мумкин.

*Yellow Jake was our woodman; Black Jake, the curator of the horses, the driver of “white massa’s” barouche. (M.Reid. **Osceola, The Seminole. P-8**)*

*Малла Жек бизнинг ўтинчимиз, Қора Жек эса отбоқарлик ва “оқ хоним”нинг ландосида извошчилик вазифаларини бажарарди. (М.Рид. **Оцеола семиноллар сардори. 11-б**)*

Мисолдаги “woodman” сўзи ҳозирги маъносида “ўрмончи” семантикасини англатсада, асарда тасвирланаётган даврда “ўтинчи” концептини ифода қиларди. Шунга кўра лексик бирликнинг ушбу маънода қўлланилиши тарихий даврни акс эттиришига гувоҳ бўламиз. Ўз навбатида мисолдаги “white massa-оқ танли хоним” сўзи ҳам бир пайтнинг ўзида икки фарқланувчи когнитив мақсад:

биринчидан тарихий даврга мосланган сўз, иккинчидан бадийий персонаж нутқида образга хос нутқий ифодалар (хонадондаги негр куллар одатда “massa” сўзи билан мурожаат қилишлари шарт эди) вазифасида қўлланилган. “barouche” тушунчаси эса фақатгина 18 асрга хос бўлган бой хонадонларнинг от қўшиладиган юмшоқ транспорт воситасини ифода қилиб, тарихий жараёнда тўлиқ архаизмга айланиб улгурган.

Бадийий асарнинг воқеалари тасвирида тарихий давр реаллигини акс эттиришда асар қаҳрамонлари нутқида ўша замонга мос лексик ва грамматик қурилиш ифодалаш айниқса муҳим саналади. Персонажлар нутқида эскирган сўзларни қўллаш билан бирга тарихий давр услубий хусусиятларини ҳам акс эттириш зарурати юзага келади. Бу ҳолат қуйидаги мисолда яққол ўз аксини топади.

*And yet I observe a change. The scene is the same, but not the characters! Where are they of that red race who were born of thee, and nurtured on thy bosom? I see them not. In thy fields, I behold white and black, but not red— European and African, but not Indian—not one of that ancient people who were once thine own. Where are they?*

*Gone! All gone! No longer tread they thy flowery paths—no longer are thy crystal streams cleft by the keels of their canoes—no more upon thy spicy gale is borne the sound of their voices—the twang of their bowstrings is heard no more amid the trees of thy forest: they have parted from thee far and for ever. (M.Reid. Osceola, The Seminole. P-3)*

Мисолда келирилган “thee, thy, thine” каби сўзлар олмош туркумига хос бўлиб, биргина олмошнинг турли категриал парадигмаси ҳисобланиб, бугунги кунда архаик формалар сифатида талқин қилинсада, 18 аср инглиз тилисида кенг қўлланилар эди. Қолаверса гапларнинг грамматик қурилиши, инкор(see them not шаклида) ва сўроқ мазмунидаги гапларда ёрдамчи феълларнинг қўлланмаслиги ҳам персонаж нутқидаги тарихий даврга хос нутқ қурилишини реал ифода қилади. Бундан ташқари персонаж нутқидаги гапнинг синтактик қурилиши, хусуан гапдаги сўз тартибдаги ўзгаришлар (“No longer tread they thy

flowery paths” шаклида синтактик эганинг феъдан кейин келиши) ҳам функционал-экспрессив маъно ифодалаш учун эмас, айнан давр руҳини акс эттириш учун қўлланилган. Ҳинду персонаж тилидан айтилаётган ушбу жумлалар ўз дарининг линхсоний хусусиятларини тўлақонли акс эттиради.

Таҳлиллардан аён бўляптики, тарихий сўзлар ва морфологик бирликлар тасвирланаётган давр кишилари нутқини аслига монанд қайта яратиш воситаси сифатида ўқувчи тасаввурида ўтмишнинг тўлақонли ва ҳаққоний манзараларини жонлантиришда муҳим аҳамият касб этар экан. Шунингдек, кўриб ўтилган мисоллар бадиий нутқ тасвир воситасигина эмас, айти пайтда, тасвир предмети ҳам эканлигини ёрқин намоён этади. Адабий тилда кам қўлланилувчи диалектизмлар бадиий асарда жой колоритини бериш учун ишлатилади. Инглиз тилида сўзлашувчилар тарқалган ҳудудларда умуммиллий хусусиятлар билан бир қаторда ўша ҳудуд кишиларигагина хос бўлган жиҳатлар (урф-одатлар, тасаввурлар, ақидалар, нарс-буюмлар ва ҳ.к.) ҳам мавжудки, булар биринчи галда шева тилида ўз аксини топади. Шундай экан, асарда тасвирланаётган ҳудудга хос бўёқларни бериш, унда ҳаракатланаётган персонаж характерини тўлақонли бадиий талқин этиш учун табиий равишда диалектизмлардан фойдаланиш зарурати юзага келади. Масалан,

*“Bravo, toro! bravissimo!” was heard on all sides. All eyes were now turned upon the enraged animal, and his one remaining pursuer. (M.Reid. The White Chief. P-7)*

- Қойил! Тасанно! – деган нидою ҳайқириқлар янграпти тўрт томондан.  
*(M.Рид. Оқ танли сардор. 9-б)*

*“Carlos the cibolero!” cried a voice, loud enough to satisfy all at once.*  
*(M.Reid. The White Chief. P-8)*

- Бу Карлос-ку, бизон овчиси! – қичқириб деди ҳозир бўлганлардан бири ҳамма эшитадиган балан овозда. (M.Рид. Оқ танли сардор. 9-б)

Мисолларда келтирилган “*cibolero, toro, bravissimo*” каби сўзлар мексика шевасига оид сўзлар тасвирланаётган даврга тарихий тааллуқлигига эмас,

кўшимча тарзда қаҳрамоннинг ижтимоий ҳолати ва этник жиҳатларини ҳам акс эттира олган.

Олиб борган тадқиқоларимизга асоланган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, сўзнинг номинатив тасвирийлиги ва ифодавийлиги бадиий адабиётдаги ҳар қандай образнинг асоси, жавҳари демакдир. Айни ҳол бадиий адабиётни «сўз санъати» дея таърифлашга имкон берувчи бош омил саналади. Сўз бадиий адабиётдагина ўзининг аслига – образли табиатига қайтади, оламни тўлақонли акс эттириш, тасавурумизда уни қайта яратишга хизмат қилади. Сўзнинг бу борадаги имконлари бениҳоя кенг, мавжуд имконларнинг қай даражада етказа олиш эса, табиийки, муаллифнинг маҳоратига боғлиқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Андреева Т.А. Структура сюжетного времени. Автореф. дис. канд. – Л., 1976.
2. Вежбицкая, А. Понимание культур через посредство ключевых слов / А. Вежбицкая. – М. : Яз. славянской культуры, 2001. – 288 с. 4.
3. Виноградов, В. В. О языке художественной прозы / В. В. Виноградов. – М. : Наука, 1980. – 360 с.
4. Есин А.Б. Время и пространство // В кн.: Введение в литературоведение. Литературное произведение: основные понятия и термины. – М., 1999. – С. 47-62.
5. Қуронов, Дилмурод. Назарий қайдлар [Матн] / Д.Қуронов. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – 128 б.
6. Лотман Ю.М. Проблема художественного пространства в прозе Гоголя // Труды по русской и славянской филологии XI. Литературоведение. Вып. 209. – Тарту, 1968. – С. 5-51.
7. Маргелашвили Г.Т. Сюжетное время и время экзистенции. – Тбилиси, 1976.
8. Тураева З.Я. Категория времени. Время грамматическое и время художественное. – М., 1979.